O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм йўналтирилди.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 18-oktabr • Payshanba • 129 (27.774) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Истиқлол имкониятлари

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

«Шўртангаз-кимё» мажмуи мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади. Бу ерда 2002 йилдаёқ полиэтилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бу давр ичида 27 хил полиэтилен ва ундан турли хил истеъмол маҳсулотлари тайёрлаш муваффақиятли ўзлаштирилди. Натижада 327 миллион доллардан ортиқ миқдорга тенг товар хорижга экспорт қилинди.

— 2005 йилнинг бошида корхонамизда ISO 9001:2000 сифат менежменти тизими жорий этилиб, мажмуага халқаро сертификат берилгач, унинг жаҳондаги рейтинги — нуфузи янада ошди, — дейди бош муҳандис Тўлаган Жўраев. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизга бўлган бу эътироф жамоамизни изланишга, янада жадал суръатларда ишлаб, янги-янги зафарларга ундайди.



Суратларда: *асбобсозлик лабораторияси лаборанти Хуршида Шопиева; мажмуа директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Шокир Эшмуродов (ўнгда) ва диспетчер Бектемир Рўзиев иш устида; полиэтилен тайёрлаш қурилмаси кўриниши.*

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

«Яқинда сиёсий партиялардан бирининг вакили мендан ўз партияси номзодини қўллаб-қувватлаб имзо қўйишимни сўради. Мен имзо қўйдим. Энди яна бошқа номзод учун имзо қўя оламанми? Сайлов куни айнан ўша номзодга овоз беришим шартми?

Рўзмат Бобожонов, Хоразм вилояти, Гурлан тумани».

Ушбу саволга Марказий сайлов комиссияси аъзоси Содиқжон ҚОСИМОВ жавоб беради.

— Қонунчиликка асосан, бир фуқаро фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкин. Энди сиз бошқа номзод учун имзо қўя олмайсиз. Қонун бунга йўл қўймайди. Овоз бериш масаласига келсак, Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқароси 23 декабрь куни ўзи истаган номзодга, ўз хоҳишига кўра овоз беради. Ҳеч ким сизни бирор бир номзод учун овоз беринг, деб мажбурлашга ҳаққи йўқ. Сиз сайлов бюллетенини алоҳида хонада ёки яширин овоз бериш кабинасида ҳеч кимнинг аралашуви, иштирокисиз тўлдирасиз. Овоз бериш жараёнида номзод танлашда ўзганинг аралашуви тақиқланади. Бу — Ўзбекистонда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланганидан дарак беради.

21 октябрь — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тилидир.

•••

Ўзбекистон Республикасида Давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади.

Фуқароларга Давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонунидан, 1, 4-модда).

ТИЛ ТАҚДИРИ — ЭЛ ТАҚДИРИ

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши миллатимиз тақдирида тарихий воқеа, истиқлол йўлидаги дастлабки ва муҳим қадам бўлди.

Шундан буён ҳар йили бу кун табаррук айём сифатида мамлакатимизда кенг нишонланади, боғча, мактаблардан тортиб ҳар бир давлат муассасасида тил байрамлари ўтказиб келинади. Лекин шаънимиз, ўзлигимиз, миллий ғуруримиз тимсоли бўлган тилимиз қадр-қимматини тиклаш ўшанда осон кечмаган эди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан қилган суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Абдулла ака, халқимиз учун саодатли байрамлардан бири — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганлигининг 18 йиллиги арафасида турибмиз. Она тилимизга ушбу юксак мақомнинг берилиши ўша пайтда катта жасорат эди, албатта. Сиз ўша жараёнларнинг иштирокчиси бўлгансиз, муҳокамаларда сўзга чиққансиз. Бугун ўша таҳликали, ҳаяжонли кунларни яна бир эсласак...

— Ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат учун ўз она тили қадрли ва азиз. Ҳар бир миллат ўз тилини ҳимоя этишга ҳақли. Лекин бошқа тилни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бизнинг тилимиз туркий тиллар, умуман жаҳон тиллари орасида энг бой, гўзал ва муҳташам тиллардан бири ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам асрлар муқаддам Навоий бобомиз тилимиз ҳақида қайғурган ва амалда унинг улуғлигини исботлаб берган. Шундан сўнг тилимизда жаҳоншумул мумтоз асарлар яратилди, бошқалар томонидан у ҳурмат қилиб келинди. Лекин ўтган асрда, мустабид тузум даврида барча миллий қадриятларимиз қатори энг биринчи галда тилимиз камситила бошланди.

4-бет

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши юртимизда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Маълумки, ислом динида табиатга меҳр-шафқатли бўлиш, ҳайвонот оламини, ўсимликлар дунёсини авайлаб асраш, поклик, атроф-муҳитни тоза сақлаш каби инсоний қадриятларга катта аҳамият қаратилган. «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ва Тошкент Ислом университети ҳамкорликда «Ислом маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказди.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ТАБИАТ ВА ПОКЛИК

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари талабалари, республикамизда фаолият юритаётган қатор хорижий давлатларнинг элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, пойтахтимизнинг диний уламолари қатнашдилар ва маърузалар қилдилар.

— Инсоният табиат ва жамият ўртасидаги ривожланиш жараёнида минтақавий ва глобал таҳдидлар кучайган бир шароитда янги минг йилликка қадам қўйди, — деди ўз сўзида Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси Усмонхон Алимов. — Оқибатда, иқлим ўзгариши, чиқиндиларнинг кўпайиши, тупроқ деградацияси, сув захираларининг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг камайиб бориши, ижтимоий-гигиена ва инсон саломатлиги билан боғлиқ масалалар долзарб муаммога айланиб боряпти...

Шунингдек, тадбирда маърузачилар она-табиатни асрашга, атроф-муҳит, атмосфера, сувни пок сақлаш борасида аҳоли орасида кенг кўламли тарғибот ишларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугун — Самарқанд шаҳри куни

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ КЎРКАМ ЖАМОЛИ

Бугунги кунда Самарқандни том маънодаги яшил ва кўркам шаҳарга айлантириш, улуғ аждодларимиз анъаналарига садоқат руҳида қайта сайқаллашга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрини 2025 йилгача ривожлантириш бош лойиҳасининг ишлаб чиқилиши бу борадаги катта бунёдкорлик ишларини бошлаб берди.

Самарқанд нафақат шаҳар аҳлининг, балки бутун халқимиз, башариятнинг бебаҳо мулкидир. Унинг Марказий Осиёни юраги ҳисобланиб, ЮНЕСКО томонидан археологик музей-шаҳар сифатида жаҳон моддий ва номоддий ёдгорликлари рўйхатига киритилганининг ўзи ҳам бизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Истиқлолимизнинг ўн олти йиллиги арафасида дунё халқлари нигоҳидаги қадимий гўшада олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан қизғин бўлганини эътироф этмоғимиз жоиз.

Шаҳардаги тарихий обидалар узвийлигини таъминлаш мақсадида Шоҳизинда ансамблидан Биби хоним мақбарасига қадар барпо этилган ҳамда Регистон ансамбли ва Гўри Амир, Оқсарой қароргоҳлари оралиғидаги кўркам ва баҳаво хиёбон ҳар қандай киши кайфиятини кўтаради.

Халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, уларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Эски шаҳар ҳудудидаги 45 та маҳаллада табиий газ, 53 та маҳаллада электр таъминотини яхшиланди. Сиёб деҳқон бозори ҳудудида кўп қаватли муҳташам «Шодиёна» савдо маркази фойдаланишга топширилди.

Айнан истиқлол йилларида амалга оширилган бундай хайрли ишлар шаҳар аҳлига, қолаверса, бу кўҳна манзил меҳмонларига ҳам ўзига хос масъулият юклайди. Чунки улуғ аждодларимиз бизларга улкан мерос сифатида қолдирган бу муборак заминни ҳар кун, ҳар доим ҳар қанча севсак, ардоқласак арзийди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Европанинг етакчи бизнес марказларидан бири ҳисобланадиган Франкфурт шаҳрида йирик халқаро анжуманлардан бири — 59-китоб ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан 7,5 мингдан зиёд нашриёт-матбаа компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Ярмаркада мамлакатимизни «Шарқ» НМК, «Маънавият» нашриёти ҳамда «Art press Ltd» масъулияти чекланган жамияти намоён этди.

ЎЗБЕК НОШИРЛАРИ 59-ХАЛҚАРО КИТОБ ЯРМАРКАСИДА

Бу сафар республикамиз нашриётлари мазкур нуфузли китоб анжуманида ўзларининг уч юздан зиёд босма маҳсулотлари билан қатнашди. Жумладан, тадбирда уч тилда нашр этилган «Келажакка сармоя», «Ўзбекистоннинг замонавий миниатюраси», «Ўзбек фото санъати 125 ёшда» номли китоблар, шунингдек, Самарқанд, Марғилон ва Қарши шаҳарларининг юбилейларига бағишланган фотокўргазмалар намойиш этилди.

Ўзбекистон нашриётлари томонидан «Мустақиллик қаҳрамонлари» рукни остида чоп этилган ҳамда XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган ўзбек маърифатпарварлари таниқли вакилларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Авлоний», «Беҳбудий», «Фитрат», «Ибрат», «Мунаввар Қори», «Ҳожи Муин» номли китоблар Германия жамоатчилиги ва кўргазма меҳмонларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон эришган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотномалар, рангли буклетлар, рисолалар, шунингдек, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари хусусидаги янги адабиётлар кўп сонли меҳмонларда юртимизнинг замонавий бунёдкорлик ҳаёти хусусида ёрқин таассурот қолдирди.

3-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши муносабати билан партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан вилоят партия ташкилоти раиси Хамро Эрматов маъруза қилди.

Пленумда мазкур сайлов республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа экани таъкидланди. Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш босқичи амалга оширилаётган даврда бу сайловнинг бўлиб ўтиши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, президентлик сайлови кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда. Барча партиялар, шу жумладан Халқ демократик партияси ҳам сайловнинг тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокчисидир. Бу Ўзбекистон ХДП учун сиёсий кураш мактаби бўлади. Партия учун сайлов кампанияси жараёнида халқимизга ва электоратимизга ўз Дастурининг ижтимоий йўналтирилган устуворликларини янада кенгроқ тарғиб этиш имкони туғилади. Бу жараёнлар партия ташкилотлари ва фаоллардан жуда катта масъулиятни талаб этади. Пленум иштирокчилари нафақат ўз ғояларимизни тарғиб этиш, балки, сайлаш ҳуқуқи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи, шу билан бирга юксак фуқаролик масъулияти эканини ҳам одамларга яна бир бор чуқур тушунтириб, шарҳлаб бериш бўйича вазифаларни белгилаб олишди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойига делегатлар сайланди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

ЎзХДП фаоллари

ИНСОН БАХТИ

МЕҲНАТДА, ЎЗГАЛАРГА ФОЙДАСИ ТЕГИШИДА, ОДАМЛАРГА КЕРАК БЎЛИШИДАДИР

Муҳаббат билан суҳбатлашиб турганимизда, бир келинчак унинг қабулига келди. «Шошилинч эмасми, болангизга бирор гап бўлдими?» — сўради Муҳаббат ундан. «Йўқ, болам эмас, ўзим... — деди келинчак ерга қараб. — Сиз Муҳаббат опа эмасмисиз?»

— Бир вақтлар ўзим даволаган болалар улғайиб кетган бўлса-да, ҳузуримга келаверишади — изоҳ беради у.

Агар, малакали мутахассис бўлмаганида, бундай ҳол юз бермас эди, албатта. Муҳаббатнинг ана шундай мижозлари жуда кўп.

— Бу касбни эгаллаш учун етти йил ўқиш етарли эмас, умр бўйи изланиш, назарияни амалиёт билан боғлаш, замонавий тиббий билимларни ўзлаштириб бориш зарур, — дейди қаҳрамонимиз.

Поликлиника 33,5 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Жамоада 100 киши меҳнат қилади. Муҳаббат раҳбарликни зиммасига олгач, биринчи навбатда тиббий хизматга муҳтож кишилар — ногиронлар, пенсионерлар билан танишиб чиқди. Ҳудуддаги 5 та маҳалла фуқаролар йиғини, педагогика институти филиали, 2 та коллеж, 6 та мактаб, 8 та болалар боғчаси, 13 та саноат корхонаси ва яна бошқа ташкилот раҳбарлари билан суҳбатлашиб, уларнинг қўл остидаги кишилар, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш масаласини муҳокама қилди ва изчил ҳамкорликни йўлга қўйди. Шундан сўнг, ходимларининг самарали меҳнат қилиши учун шароит яратишга киришди.

Поликлиниканинг марказлашган қозонхонаси таъмирга муҳтожлиги, ходимларга шароитнинг йўқлиги уни қаттиқ ташвишга соларди. Бу масалани ечишда унга Ўзбекистон ХДП фаоли сифатида тўплаган тажрибаси қўл келди. Ушбу муаммо юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ҳокимлиги ва бошқа идораларга югуришлари самара берди. 2005 йили поликлиникага 5 та мустақил қозонхона қуриш учун бюджетдан 6 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари, таъмирлаш ишлари учун ҳомийлар имкониятидан фойдаланилди. Шунинг натижасида муаммо ўз ечимини топди. Жамоа ҳам, мижозлар ҳам хурсанд. Чунки, хизмат кўрсатиш даражаси анча кўтарилди-да!

Муҳаббатнинг эл-юрт дарди билан ёниб яшаётгани, ўзидан кўра ўзгалар соғлиғи, манфаатларини кўпроқ ўйлаётганини кўрган ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши ижроқўми аъзолари унинг номзодини шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатишга қарор қилишди. Одамлар орасида мустаҳкам обрў қозонгани учун Муҳаббат якдиллик билан депутатликка сайланди. Шундан сўнг ХДП депутатлик гуруҳи, коммунал хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш масалалари доимий комиссияси аъзоси сифатида унинг масъулияти яна бир неча баробар ошди.

Янги иш ўринлари очиш, тиббиёт ходимларига ғамхўрлик кўрсатиш Ўзбекистон ХДП дастурий ғояларида ўз ифодасини топган. Депутат сифатида Муҳаббатга кўпчилик ишга жойлашишга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шу боис у поликлиниканинг ўзида янги хизматларни жорий этишга ҳаракат қилади. Шу тариқа 2005-2006 йилларда 14 нафар, 2007 йилнинг 5 ойида яна 12 кишини иш билан таъминлаш имкони юзага келди.

Сайлов округидан бир гуруҳ фуқаролар ўзлари яшаётган юқори қаватдаги хонадонларга совуқ ва иссиқ сув чиқмаслигидан шикоят қилишди. Муҳаббат бу ерда яшовчиларнинг ўзларини подвалларни тозалаш, имкониятга қараб жамғарма ташкил қилиш ва шу тариқа таъмирлашига жалб қилди. «Кўпники қўшилса кўл бўлади» деганлари рост экан. Кўпчиликнинг боши қовушиб, муаммо ўз вақтида ҳал бўлди. Муҳаббатнинг депутатлик фаолиятига доир сайлов округи ҳудудини ободонлаштириш, табиатни асраш, аҳолининг зайф қатламини ижтимоий ҳимоялаш бўйича яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, «Она сутининг афзалликлари», «Соғлом она — соғлом фарзанд», «Она сутини оқлаш — фарзанднинг фарзи», «Ватан ҳам онанг» каби мавзулардаги тадбирларни аҳоли орасида ўтказиб туришда ташаббус кўрсатмоқда. Айрим хонадонларда бўлиб, уларнинг турмуш шароитлари билан танишади. Ҳаётий мисоллар орқали одамларни поклик ва ҳалолликка даъват этади.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан бири — Чимбойнинг «Қамисариқ» овулида туғилган Муҳаббат Бахтибоева 1984 йили болаликдаги орзуси — болалар шифокори бўлиш истагида Самарқандга йўл олди. У Самарқанд тиббиёт институтида таълим олиб, болалар невропатологи мутахассислигини эгаллади. Ҳозирда Нукус шаҳридаги 8-поликлиниканинг бош шифокори.

Поликлиникадаги ХДП бошланғич ташкилотида 22 нафар партия аъзоси бирлашган. Бошланғич ташкилот, партиямиз фаолларига суяниш Муҳаббатнинг раҳбарлик ва депутатлик фаолиятида ижобий самара бермоқда.

Биз бошланғич ташкилот ташаббуси билан ташкил этилган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ЎзХДП бошланғич ташкилотининг роли» мавзуидаги семинарда иштирок этган эдик. Унда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Зарипбой Жанабоев, Муратбой Бишеков, ХДП ва маҳалла фаоллари Жигагул Айимбетова, Бағда Жуматова, Гулнара Пиримбетовларнинг фикрларидан Репродуктив саломатлик маркази, Афғончилар ва Чернобилчилар уюшмаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ижтимоий таъминот бўлими ва бошқа ташкилотлар билан БПТ самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани маълум бўлди.

«Муҳаббатга муаммо айтсангиз, кўтарган масаланингизни ўзингизга етдиради», дейишади кўпчилик. Бу ҳазил оҳангида айтилса-да, ҳақиқатдир. Муҳаббат аралашадиган муаммоларнинг барчаси, авваламбор, фаоллар ва жамоатчиликни жипслаштириш, бирлаштириш орқали ҳал этилади. Чунки, қаҳрамонимизнинг ҳаёт тамойили шундай: одамлар бирлашса, ҳамма ишни уддалайди, енгилмас кучга айланади...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Алписбой ИБОДУЛЛАЕВ,
«Қарақалпақстан ҳаўазы» газетаси бош муҳаррири

ЎзХДП: электорат манфаати

БОЛАЖОНЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят ташкилотлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида кўпгина хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда Бухоро шаҳар партия кенгаши, ҳомийлар ҳамда ЎзХДПдан сайланган депутатлар ҳамкорлигида партия ташкил топганининг 16 йиллигига бағишланган хайрия тадбирини ўтказди. Шаҳардаги кам таъминланган оилаларнинг 23 нафар ўғил-қизларига кийим-кечак, совға-салом ҳамда ширинликлар улашилди.

— Бундай тадбирнинг ўтказилиши болалар қалбини қувончга тўлдирди, — дейди Жўйбор маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП фаоли Гулсум Мўминова. — Тадбир ташкилотчилари, саховатпеша сафдошларимизнинг бундай фаолияти партиямизнинг одамлар орасидаги ҳурматини янада оширади, албатта.

Тадбир иштирокчилари ва ҳомийларга ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Робия Козимова миннатдорчилик билдираркан, электорат манфаатига хизмат қилиш партия ташкилотлари ва фаолларининг асосий вазифаси эканини таъкидлади.

Даврон БАҲРОНОВ

АНДИЖОН АРМУҒОНИ

310 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ХИРМОННИ БУНЁД ЭТГАН ВИЛОЯТ ПАХТАКОРЛАРИ ТЕРИМНИ ДАВОМ ЭТТИРИШМОҚДА

Албатта, бунда йил давомида қилинган ҳалол ва омилкорона меҳнатнинг ўрни беқиёс. Шу билан бирга, бу йил ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олиш учун махсус теримчилар отрядлари ташкил этилди. Ҳар бир отрядга муайян хўжалик бириктириб қўйилди. Ҳар беш кун давомида иш ҳақи тўлаб борилди. Шу боис хирмонлар тез юксалди.

Айниқса, пахтаободлик миришкорлар йиғим-теримда ҳар жиҳатдан барчага ибрат бўлишди. Шунингдек, Избоскан, Олтинкўл, Балиқчи, Андижон, Асака, Булоқбоши, Шаҳрихон туманларининг фидойи меҳнаткашлари Андижоннинг ўзига хос пахтачилик мактаби анъаналарини тиклашда ҳақиқий жонбозлик кўрсатишди.

Йиғиб-териб олинган ҳосил юқори навларга топширилди. Табиийки, даромадга ҳам барака кирди.

— Ҳеч шубҳасиз, фермер хўжаликлари деҳқон нимага қодир эканлигини кўрсатиб келмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Отахон Аламатов. — Ўғлим Муҳаммадрайим билан бирга, ўзимизнинг фермер хўжалигимизда астойдил меҳнат қилиб, юқори ҳосил етиштирдик. Биринчи теримдаёқ кўрсаткич 33,8 центнерни ташкил этди. Ҳали даламизда ҳосил кўп.

Пахтаобод туманидаги «Қипчоқов Ўринбой» фермер хўжалиги бошлиғи Давлатали Қипчоқов ҳар гектар ердан 50 центнер хирмон кўтарди. Избоскан туманидаги «Тиллабоев олтин даласи» фермер хўжалиги (раҳбари Козимжон Мамадалиев) биринчи теримдаёқ 42 центнерлик маррани забт этди.

«Янги тадбир» фермер хўжалигининг раҳбари, шаҳрихонлик Худоёрмирзо Мўминов 80 ёшдан ошган бўлса-да, 14 гектарлик пахтазорининг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил кўтариб, кўпчиликка ибрат бўлмоқда. «Азизбек — 97» фермер хўжалигининг етакчиси Назиржон Буваев эса 114 тонналик хирмон уйди ва ҳосилнинг 44 тоннаси уруғликка қабул қилинди. Фермернинг айтишича, фақат пахтанинг ўзидан бу йил 50 миллион сўм даромад олади. Ҳозир у ҳамқишлоқлари учун замонавий гузар барпо этмоқда.

Андижонда шундай фидойи инсонлар сафи тобора ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳосилга ҳосил, баракага барака қўшилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Пойтахтимизда «Қурилиш. Қурилиш техникаси ва материаллари» мавзуида тўртинчи халқаро кўргазма очилди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.



Кўргазманинг очилишида тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва қўмиталар раҳбарлари, лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Мақсумов, «Shosh invest group» компанияси директорлар кенгаши раиси С.Ниёзов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасидаги олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда қурилиш-бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг жаҳон андазалари даражасида бажарилишида қўлигул қурувчилар, меъмору муҳандислар, уста-таъмирчилар билан бирга юксак сифатли, экологик тоза қурилиш материаллари ҳам муҳим ўрин тутади. Қурилиш саноатида эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб этиш, бу борада соҳа мутахассислари билан фикр ва тажриба алмашиш, ўзаро манфаатли шартномалар имзолашда мамлакатимизда тўртинчи марта ўтказилаётган ушбу кўргазманинг аҳамияти каттадир.

Уч кун давом этадиган кўргазмада юртимизнинг «Shosh invest group»,«Grandqurindustria», «Devi Tashkent» компаниялари, «Тошкент лок-бўёқ заводи» акциядорлик жамияти каби корхоналари билан бирга Россия, Қозоғистон, Украина каби давлатларнинг қурилиш компанияларининг маҳсулотлари, таклиф этилаётган хизматлари ва технологиялари намойиш этилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Суратларда: *кўргазмадан лавҳалар.*

СОЛИҚ СИЁСАТИ:

Муносабат

ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

солиқ юкини изчил камайтириб бориш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада оширишга қаратилган, — деб сўз бошлади Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизматининг бош мутахассиси Комилжон АЛЛАМЖОНОВ

— Натижада, — давом этди у, — Президент Ислом Каримов мамлакатимиз Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Қўшма мажлисидаги маърузасида айтганидек, **«Фақатгина 2000-2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга жисмоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди».**

Хўш, бу рақамлар нимадан дарак беради? Бу, энг аввало, республикамизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати ўтган йиллар давомида солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш, солиқнинг рағбатлантирувчи жиҳатини ошириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга қаратилаётганини ифода этади.

— Солиқ юкининг енгиллаштирилиши асосан нималарда намоён бўлмоқда?

— Ҳозирги кунда солиқ юкининг енгиллаштирилиши, асосан хўжалик субъектларининг даромадидан солиқ олишни камайтириш, самарасиз солиқ турларини бекор қилиш ва солиқ солиш базаси бир хил бўлган солиқларни соддалаштириш жараёнида намоён бўлмоқда...

Барча тоифадаги солиқ тўловларига солиқ солиш услубларини бирхиллаштириш мақсадида, масалан, банк ва суғурта ташкилотлари учун даромад солиғи ўрнига фойда солиғи жорий қилинган. Бунда, ҳозир банклардан олинаётган даромад солиғи миқдорига мос келувчи фойда солиғи 17 фоиз, суғурта ташкилотлари учун 10 фоиз миқдорида белгиланди. Муҳими, солиқ миқдорининг пасайтирилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар учун маблағларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ва шунингдек, ходимларни рағбатлантиришга йўналтириш имкони яратилди.

— Дивиденд ҳамда фоизлардан олинадиган солиқ ёки ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловларда қандай имтиёзлар бор?

— Президент ўз маърузасида мустақиллик йилларида солиқ юкини камайтириш борасида изчил сиёсат олиб борилганини алоҳида таъкидлади. Бунда, биринчи навбатда айнан сиз тилга олган солиқ турлари ва тўловларнинг камайтириб келинаётгани кўзда тутилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган, солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг ўтказилиши натижасида ўтган даврда дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқ 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона солиқ тўлови 13 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 24 фоизгача камайтирилди. Экология солиғи бутунлай бекор қилинди.

Айни чоғда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда чет эл сармоялари иштирокида корхоналар ташкил этиш борасида амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ камайтирилган миқдорларда даромад (фойда) ва ягона солиқ тўлови тўлашда ҳам ишлаб чиқарувчиларга қатор енгилликлар берилди.

— Масалан?

— Халқ истеъмол маҳсулотлари (жумладан, болаларга мўлжалланган товарлар) ишлаб чиқарувчиларга; эркин алмаштириладиган валютага ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчиларга; чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарга ва ҳоказо. Шунингдек, амалдаги Солиқ кодексида кўзда тутилган солиқ имтиёзларидан ташқари ҳар йили ҳукуматимиз томонидан хўжалик субъектларига фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида қатор қарорлар қабул қилиниб келинаётганидан хабардорсиз...

— Ўтган йиллар оралиғида экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қандай имтиёзлар берилди?

— Ватанимизнинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлини таҳлилий, қиёсий ва асосли тадқиқ этиб берган давлатимиз раҳбари: **«Бизнинг иқтисодий ривожланишимиз экстенсив ўсиш... эвазига бўлаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш... ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқдамиз»,** — деб уқтирди.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар салоҳиятини кенгайтириш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта аҳамият берилаяпти.

Айниқса, «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони бу соҳада катта ўзгаришлар ясади. Унда экспорт қилувчи корхоналар учун умумий савдо-сотиқ ҳажмида — ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб, даромад (фойда) солиғи ҳамда мулк солиғи тўлашда амалдаги солиқ миқдорлари камайтирилган ҳолда тўланиши имтиёзи жорий қилинди.

— Қандай шаклда?

— Экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида белгиланган даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи миқдори 30 фоизга камайтирилади. Экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — белгиланган даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи миқдори 2 баравар камайтирилади. Бу имтиёз ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқиш чоғида микрофирмалар ва кичик корхоналарга ҳам татбиқ этилади.

Масалан, Тошкентдаги «MURATBEK» хусусий тижорат фирмаси илгари 10 фоизли миқдор (ставка) билан солиқ тўлаган бўлса, эндиликда у маҳсулот экспорт қилганлиги учун 7 фоизли имтиёзли миқдор билан солиқ тўлайди. Ёки «SIMAKX-PARS» хусусий корхонаси ҳам маҳаллий хомашё негизида маҳсулот ишлаб чиқаргани учун ягона солиқ тўловидан озод этилди. Бугунги кунда улар «чўнтаги»да қолаётган маблағ эса моддий-хомашё базаларини мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда.

Чунки, солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамойил — корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришдир. Даромад солиғининг юқори бўлиши — корхоналар ўз маблағларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бунинг учун замонавий техника билан уларни жиҳозлаш, шунингдек, айланма маблағини кўпайтириш имконини чеклаб қўяди. Натижада ишлаб чиқариш пасаяди, молиявий аҳволи ёмонлашади, бу эса ўткир ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш солиқ сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, **«Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий-хомашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир».**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУДУДДАН ФОЙДАЛАНИШГА РУХСАТ БЕРМАЙДИ

Теҳронда бўлиб ўтган Каспийорти давлатлари саммитида якуний декларация қабул қилинди. У Россия, Эрон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатлари бошлиқлари томонидан имзоланди.



Декларацияда қайд этилишича, Каспийорти ҳудудидан ташқарида жойлашган бирор бир давлат Каспийорти ҳудудига кирувчи давлатга қарши тажовуз ёки ҳарбий ҳаракат бошлайдиган бўлса, Каспийорти мамлакатлари ҳудудидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Бундан ташқари, декларацияда Каспий денгизидаги кемачилик билан боғлиқ масалалар ҳам ечимини топди. Каспийорти мамлакатларига кирувчи 5 та давлатнинг денгиздаги чегара ҳудудини белгиловчи, яъни денгизнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенция саммитда қабул қилинмади. Бироқ, Россия президентининг ёрдамчиси Сергей Приходьконинг айтишича, декларацияда меъёрий позициялар белгиланган, бу эса денгизда ҳаракатланишни тартибга солади.

Яна бир маълумот. Эрон президентининг таклифига кўра, — дейилади «Новости» АА хабарида, — келгуси йили Россияда Каспийорти давлатларининг иқтисодий анжумани ўтказилади.

ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Маълумки, шу йилнинг 30 сентябрида Украинада навбатдан ташқари парламент сайловлари бўлиб ўтган эди. Марказий сайлов комиссияси раиси Владимир Шаповал мазкур сайловнинг расмий якуний натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Ҳудудлар партияси — 34,37 фоиз, Юлия Тимошенко блоки — 30,71 фоиз, «Бизнинг Украина — Халқ ҳимояси» партияси — 14,15 фоиз, Компартия — 5,39 фоиз, Литвин блоки — 3,96 фоиз овоз олган. Социалистик партия эса 2,86 фоиз овоз олгани боис 3 фоизлик «тўсиқ»дан ўтолмади, демак Олий Рада дан ўрин ололмайди.

Шундай қилиб, Ҳудудлар партияси Олий Раданинг 175 та мандатини қўлга киритади. Юлия Тимошенко блоки — 156 та, «Бизнинг Украина — Халқ ҳимояси» партияси — 72 та, Компартия — 27 та, Литвин блоки — 20 та ўринни эгаллайди. Парламентда ҳаммаси бўлиб 450 та ўрин бор. Коалиция тузиш учун эса 226 та овоз керак.

Сайловда сайловчиларнинг 62,2 фоизи иштирок этди.

ПАРТИЯГА ЕТАКЧИ БЎЛИШДАН ВОЗ КЕЧДИ

Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев мамлакат Конституциясида белгиланган меъёрларга мувофиқ «Ак-жол» партиясидаги фаолиятини тўхтатиш ҳақида ариза берди. Конституцияга кўра, президентлик ваколати давомида Бакиевнинг партияга етакчилик қилиши мумкин эмас. Бу ҳақда «Новости» АА хабар берди.

Аввал тарқатилган хабарларга қараганда, душанба куни Бишкекда «Ак-жол» партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтган. Янги партиянинг 35 кишилик сиёсий кенгаши таркиб топди. Ушбу партия шу йил охирларида, аниқроғи, 21 октябрь куни янги Конституцияни қабул қилиш юзасидан бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумидан сўнг партиявий рўйхат бўйича ўтказилиши мўлжалланаётган парламент сайловларида иштирок этиш мақсадида тузилди.

САВОЛЛАР ЯРИМ МИЛЛИОНДАН ОРТДИ

Эртага Россия президенти Владимир Путиннинг телеэфир орқали олтинчи бор мамлакат аҳолиси билан тўғридан-тўғри мулоқоти бўлиб ўтади. У Москва вақти билан соат 12 да бошланади. Ушбу мулоқот «Россия», «Вести», «Первый» телеканаллари орқали кўрсатилади, шунингдек, «Радио России» ва «Маяк» радиостанциялари тўлқинларида эшиттирилади.

Интернетнинг «Вести.Ru» сайтидаги хабарда ёзилишича, президентга бериладиган саволлар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Бугунгача ҳаммаси бўлиб саволлар сони 726 мингдан ортиб кетди. Шундан 698960 таси телефон орқали берилган бўлса, 27 мингдан ортиғи интернет орқали берилган.



Олдиндан берилган саволларнинг асосий қисми ижтимоий муаммолар билан боғлиқ. Яъни, ижтимоий таъминот, ҳомиладор аёллар ва ёш оналар муҳофазаси, уй-жой қурилиши билан боғлиқ саволлар. Шунингдек, 2014 йилда Сочи олимпиадасини ўтказиш ва Россияда маҳсулотлар нархининг кўтарилгани ҳақида ҳам саволлар бор.

ОЧАРЧИЛИКДА КУН КЕЧИРМОҚДА

Бугунги кунда сайёрамизда 6 миллиарддан ортиқ одам яшаётган бўлса, шундан 854 миллиони очарчиликда кун кечирмоқда. Уларнинг асосий қисми болалар ва аёллардир. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти директори Жак Диуф Бутунжаҳон озиқ-овқат куни муносабати билан ўтказилган тадбирда ушбу маълумотларни эълон қилди. Унинг айтишича, 1948 йили БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир одамнинг озиқланиш ҳуқуқи белгиланган бўлишига қарамай, декларациянинг бу моддаси барибир бажарилмай келмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти 21 октябрь куни Италия пойтахтида хайрия марафони ўтказмоқчи. Марафон иштирокчилари оч-наҳор 854 миллион киши номидан 854 рақами остида югурадилар. Ушбу тадбирдан тушган маблағ эса Эфиопия, Сомали ва Эритрея сингари қашшоқ мамлакатларга хайрия тариқасида жўнатилади.

Ўтган йили ўтказилган шунга ўхшаш тадбирда 5 минг киши қатнашган.

ҲАММАСИДАН ЎЗИБ КЕТДИ

АҚШ президентлигига номзод, Нью-Йорк штатидан сенатор Хиллари Клинтон ўзининг сайлов кампанияси учун 35 миллион доллар маблағ йиғиб, барча рақибларидан ўзиб кетди. У йиққан маблағ президентликка яна бир номзод, Иллинойс штатидан сенатор, ўзининг партиядоши, демократ Барак Обама йиққан маблағдан 3 миллион доллар кўпдир. АҚШ Федерал сайлов комиссияси берган манбаларга асосланиб «Associated Press» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Йилнинг иккинчи чорагида молиявий жамғарма борасида демократлар орасида Обама етакчилик қилмоқда эди.

Республикачилар партиясидан президентликка асосий номзод, Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жулиани шу кунгача 11,6 миллион доллар йиға олди.

Клинтон штабининг маълумотларига кўра, президентликка номзод Х.Клинтоннинг умумий жамғармаси 50,5 миллион долларни ташкил этади. Бироқ бу маблағнинг 16 миллионини у сайловолди кампанияси учун сарфлай олмайди.

Манбаларга қараганда, Хиллари хоним сайловолди кампанияси учун 23,7 миллион доллар сарфлашни мўлжалламоқда, кейинги фаолияти учун эса 21,3 миллион доллар сарфламоқчи.

АҚШда президентликка номзодлар ҳар чорақда йиғилган сайловолди жамғармаси ҳақида маълумот бериши белгилаб қўйилган.

ИРМОҚЛАР СУВЛАРИ ТОЗАЛАНАДИ

Хитойнинг Харбин шаҳри маъмурияти 2009 йилгача Сунгари дарёсига қуйилувчи саноатлашган ирмоқлар сувини 90 фоизга тозалашни кўзлаб турибди. Шаҳар экология бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ли Яценнинг айтишича, бугунги кунда шаҳарнинг саноат корхоналари дарёга қуйилувчи ирмоқ сувларини 50 фоиздан ҳам кам даражада тозаламоқда. Сунгари дарёси Амур дарёсига қуйилувчи энг йирик ирмоқдир. Шунинг учун ҳам Хитой маъмурияти яқин 5 йилда Сунгарини тозалаш ишларига 3,5 миллиард доллар маблағ ажратишни режаламоқда, дея хабар беради «Восток России» АА.

КАЛАМУШ ДУМИ УЧУН МУКОФОТ

Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Мизорам штати аҳолиси очарчилик ёқасида турибди. Сабаб: кемирувчилар ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани боис экин-тикинларга катта зарар етказмоқда. Масалан, маҳаллий департамент мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, шу йил августдан октябргача 200 та қишлоқнинг 77 минг гектар майдонидаги экинни кемириб ташлаган. Маҳаллий ҳокимият кемирувчиларга қарши кураш учун мукофот жорий этган. Яъни битта каламушни ўлдириб, унинг думини (тасдиқ учун) департаментга келтирган одамга 2 рупий миқдорида пул берилади.

Штатнинг кемирувчилар кўпайишини назорат қилиш департаменти директори Жеймс Лансианлиананинг айтишича, Ҳиндистон ҳукумати 400 мингта каламуш йўқ қилиниши учун молиявий кўмак ажратган. Ҳатто бу борада дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастур 3 йилдан бери амалда. Ҳозир каламушнинг биргина думи учун белгиланган мукофот пули аввалгига нисбатан икки баравар оширилган.

Мукофот пулини департаментнинг қишлоқ хўжалиги бўйича барча бўлимларидан олиш мумкин.

Маҳаллий аҳолининг кузатувларига кўра, каламушларнинг ҳаддан зиёд кўпайиш даври бамбукларнинг гуллаган вақтига тўғри келади. Шунинг учун бўлса керак, ҳиндларда «бамбукнинг гуллаши фожиа келтиради» деган гап бор. 48 йилда бир гуллайдиган бамбукнинг қандай сир-синоати борлиги ҳануз «топишмоқ»лигича қолмоқда. Айнан у гуллаган даврда каламушлар нимаики бор бўлса, ҳаммасини еверадиган очкўз маҳлуққа айланиб кетади.

Дарвоқе, каламуш ўлими учун мукофот Аруначал-Прадеш штатида ҳам жорий этилган.

Хорижий манбалар асосида Исомиддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади.

ЎЗБЕК НОШИРЛАРИ 59-ХАЛҚАРО КИТОБ ЯРМАРКАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Қарши — 2700 ёшда», «Эртаклар карвони», «Ўзбек фото санъати 125 ёшда» китоблари шу йил сентябрь ойида Москвада бўлиб ўтган нуфузли китоб ярмаркасида фахрли совринларни қўлга киритган эди.

Ўзбек ноширлари китоблари тақдимотида анжуманнинг иштирокчи мамлакатлари, Германияда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия миссиялари, Германия жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этишди. Улар хорижий ҳамкорлик имкониятларидан самарали фойдаланаётган ўзбек ноширларининг ишлари ҳамда Ўзбекистон матбаачилик саноати тараққиётининг истиқболлари билан атрофлича танишдилар.

Ўзбек миниатюра санъатининг ихлосмандларидан бири — **Германия нашриёт-босма консалтинг компаниясининг директори Клаус Шибура** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган мулоқот чоғида, жумладан, шундай деди:

— Ярмаркада Ўзбекистон нашриётлари ўзининг ранг-баранг маҳсулотлари билан фаол иштирок этаётгани бизни жуда қувонтиради. Самарқанд, Марғилон, Қарши каби бетакрор тарихий шаҳарлар ҳақидаги китобларнинг сифати ва мазмуни менга жуда маъқул бўлди. Улар хорижий китобхонларда мамлакатингиз тарихи, ноёб анъаналари, ўзбек халқининг маданияти ва замонавий ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади.

Германиялик ношир турли халқ ва динлар вакилларининг тинч-тотув ҳаёт кечириши учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароитларни ижобий баҳолади.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз» китобини қўлимга олиб, юртингизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро тинч-аҳил яшаётганидан хабардор бўлдим, деди у сўзида давом этар экан.

Шунингдек, сафар доирасида ўзбек ноширлари Берлин, Дармштадт ва Магдебург шаҳарларида бўлишиб, германиялик ҳамкасблари томонидан ташкил этилган учрашувларда икки томонлама касбий ҳамкорлик истиқболлари, ўзбекистонлик мутахассисларнинг етакчи немис нашриётлари қошидаги таълим курсларида малака ошириши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жалб этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказишди.

«Жаҳон» АА

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН

КамАЗ

— Техниканг ишончли бўлса, оғиринг енгил, манзилинг яқин, энг асосийси, кўнглинг хотиржам бўлади, — дейди ҳайдовчи Убайдулло Абдуллаев. — Йигирма йилдан буён «КамАЗ» ҳайдайман. Эҳ-ҳе, у билан неча юз минг километр масофани босиб ўтмадим, не-не йўлларни, юртларни кўрмадим, қанчадан-қанча юкларни манзилига етказмадим... Ҳали бирор марта ҳам машинам панд берган эмас. Ҳар қандай об-ҳаво ва йўл шароитида бундай машина билан қийналмайсиз. Чунки «КамАЗ» қудратли, ишончли, бақувват, чидамли техника.

Дарҳақиқат, бугун юртимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, юк ташиш соҳаси ва бошқа жабҳаларда Россияда ишлаб чиқарилаётган «КамАЗ» автомашиналари беминнат хизмат қилмоқда. Бу транспорт воситасини юртимизга олиб келиш ва буюртмачиларга ўз вақтида етказиб беришда Тошкент «КамАЗ» автомаркази масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг алоҳида ўрни бор.

— Қўшма корхона 2003 йилда ташкил топган, — дейди марказ директори Мурат Сабиров. — Ўтган йиллар давомида юздан зиёд машиналарни келтириб, Ўзбекистоннинг кўплаб тармоқларига буюртма асосида етказиб бердик. Шу жумладан 2006 йилда 36, 2007 йилнинг шу даврига қадар 10 та турли функцияларга мослаштирилган (кран, цемент ташийдиган, юк ташийдиган...) машина сотилди. Бугунги кунда Самарқанд, Қарши, Фарғона шаҳарларида марказимизга қарашли дўконлар фаолият кўрсатиб турибди.

Марказ Россиядаги заводнинг расмий дилери сифатида машинамни таъмирлатиш учун фақат шу ерга келаман. Чунки биласиз, биз фақат оғир юк, катта босим билан юрамиз. Бунинг учун техника албатта ишончли таъмирланган бўлиши шарт. Марказдан харид қилинадиган эҳтиёт қисмлар ҳам жуда сифатли. Шунинг учун фақат шу ерга келаман. Баъзан йўлларда машинаси панд бериб қўйган ҳамкасбларимни учратаман. Тўғри, бу — техника, бузилиб туриши бор гап.

нафақат машиналарни келтириб сотади, балки уларга техник хизмат ҳам кўрсатади, таъмирлайди. Завод ўз автомобилларига 30 минг километр йўлни босиб ўтиш ёки бир йилга кафолат беради. Ўзбекистонга сотилган «КамАЗ»лар кафолат даврида бизда рўйхатда туради. Вақтивақти билан мутахассисларимиз уларни техник кўрикдан ўтказади. Бундан ташқари, хусусий автомашиналар эгалари, корхона ва ташкилотлар ҳам ўз «КамАЗ»ларини таъмирлаш учун бизнинг малакали ва тажрибали мутахассисларимиздан фойдаланади.

— Илгари бошқа транспорт воситасини бошқарар эдим, — дейди ҳайдовчи Шаҳобиддин Мансуров. — Ўн йилдан буён «КамАЗ» ҳайдайман. Бу менга жуда маъқул. Икки йилдан буён машинамни таъмирлатиш учун фақат шу ерга келаман. Чунки биласиз, биз фақат оғир юк, катта босим билан юрамиз. Бунинг учун техника албатта ишончли таъмирланган бўлиши шарт. Марказдан харид қилинадиган эҳтиёт қисмлар ҳам жуда сифатли. Шунинг учун фақат шу ерга келаман. Баъзан йўлларда машинаси панд бериб қўйган ҳамкасбларимни учратаман. Тўғри, бу — техника, бузилиб туриши бор гап. Аммо улар ҳам марказ мижозига айланса, хизмат давомида келиб чиқиши мумкин бўлган кўпгина муаммоларнинг олди олинади.

— «КамАЗ» ортиқча рекламага муҳтож эмас, — дейди яна директор. — У вақт синовидан ўтган. 1974 йилдан буён ўз имкониятларини кенг намоён этиб келаяпти. Шунинг учун «КамАЗ» бугун нафақат Россия ва МДҲ мамлакатлари, балки ер юзининг кўпгина минтақаларида машҳур. Фойдаланувчилар, мутахассислар, жамоатчиликнинг ишончини қозониб бўлган. Халқаро миқёсда ўтадиган пойга, автошоу, кўргазмаларда иштирок этиб, юқори натижаларни кўрсатиб келаяпти...

Дарҳақиқат, бу машинага ортиқча таърифнинг асло кераги йўқ. Одамлар «КамАЗ»ни яхши билишади. Устунликлари ва қулайликлари ҳақида яхши тасаввурга эга. Аммо «КамАЗ» ҳам бир жойда қотиб қолгани йўқ. У кун сайин янгиланаяпти, такомиллашаяпти.

— Айни пайтда келтирилаётган машиналар «Евро-2» стандартларига тўлиқ жавоб беради, — дейди марказ бош муҳандиси Мирдилшод Мирсодиқов. — Ҳайдовчи учун ҳам ва бошқа хизматларни бажаришда кўпгина қулайлик ҳамда имкониятларга эга. Шу боис ҳозирда Тошкент автомобиль ва йўллар институти раҳбарияти билан музокаралар олиб бораяпмиз. Машиналаримизни харид қилаётган ташкилотларнинг муҳандис, механик, ҳайдовчилари учун «КамАЗ»нинг янги имкониятларини ўргатадиган махсус курс ташкил этмоқчимиз.

Марказда бугун эллик киши меҳнат қилади. Ходимларнинг самарали ишлаши, дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Спорт-соғломлаштириш маркази ишлаб турибди. Бундан ишчи ходимларнинг кўнгли тўқ. Ходимнинг кайфияти яхши бўлса, бу мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига ҳам таъсир кўрсатади, албатта.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Суратларда: *мотор созловчи Александр Оноприенко; марказ директори Мурат Сабиров (чапдан), бош муҳандис Мирдилшод Мирсодиқов.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ «УРГАНЧ НЕФТЬ БАЗАСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ

қуйидаги объект қурилиши бўйича «калити билан» очиқ танлов савдосини эълон қилади

1. Хоразм вилояти, Урганч туманида, Чоткўпир қишлоғидаги «Урганч нефть базаси» унитар корхонаси учун 36 автомашинага мўлжалланган автогараж қурилиши.

Лойиҳа буюртмачи — «Урганч нефть базаси» унитар корхонасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — «Урганч нефть базаси» унитар корхонаси.

Манзили — Урганч тумани, Чоткўпир қишлоғи.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Агар ишлар (хизматлар) билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашга тўғри келиб қолса, унда танловга ўрнатилган тартибда лицензия олган ёки юқорида кўрсатилган ишлар (хизматлар)нинг бажарувчи лицензияси мавжуд ёрдамчи пудратчининг кафолатли хати бўлган талабгорлар қўйилади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов ташкилотчисига мурожаат қилиш зарур.

*Савдо ташкилотчиси — **Хоразм вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.***

Манзили: Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел: 226-92-25.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади.

Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел: 226-92-25.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 20,23,27,30 ноябрь ва 4,7,11,14,18,21,25, 28 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 37-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги «Ахборот компьютер маркази»нинг 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 527 бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси **бошланғич нархи — 3 700 000** *сўм билан қўйилади.*

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-02-49.

21 октябрь — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

«БИР ОҚҚАН АРИҚҚА ЯНА ОҚТИ СУВ»

ёки Алишер Навоий илм, тил, олимлар ва толиби илмлар ҳақида

Навоий ҳазратлари «илм» (араб ёзувидаги) сўзининг биринчи ҳарфи қуёшдан, иккинчиси ойдан, учинчиси кундуздан олинган, деб ёзади.

«Ҳайрат ул-аброр» достонида илм олиш учун астойдил киришганлар ҳар қандай машаққатларга бардош қилишлари, тил ўрганишда сабр-тоқатли бўлишлари лозим, деб таъкидлайди. Қатрада «дарё ниҳон» бўлгани каби илм «кўнгул уйини бир жаҳон»га айлантиради, деганлар.

Илм ўрганиб, олим бўлиб етишган ўз илмини бойлик орттириш воситасига айлантирса, ундай одам ўзини ҳам, халқини ҳам йўлдан адаштиради. Илмига яраша фаолиятда бўлган олимни «шараф гавҳарининг кони деб бил», дея таъкидлайди.

Навоий асарларида ҳам, фаолиятида ҳам толиби илмларга катта аҳамият берган, алоҳида эътибор билан қараган. Улар учун мадрасалар қурган (масалан, «Ихлосия» мадрасаси), толиби илмларни уч гуруҳга бўлиб (аъло, ўрта ва адно-қуйи), таълим олишлари натижасига кўра, озиқ-овқат, кийим-бош ва ҳақ тўлаш қоидасини барқарор қилган.

Олимнинг бурчи, мартабаси ҳақида ёзар экан, Навоий устознинг шогирдда ҳаққи кўпдир, деб уқтиради. Агар шогирд ўсиб-униб Шайх ул-исломлик даражасига етишса, агар шогирд шоҳлик рутбасига кўтарилса ҳам устозини ҳурмат қилиши лозим, зероки устоз рози бўлса, Тангри ҳам рози бўлади.

Олимлик ахлоқи ҳам Навоий назаридан четда қолмаган. Олим агар бир жоҳилни тутиб, уни мулзам қилишга интилса, бу ҳаракат унинг ўзи учун ҳақоратдир. Олим, аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши лозим, гавҳарни синаб кўриш учун уни тошга урмаслиги керак. Демак, олим илм қадрини, ўз мавқеини яхши идрок этиши даркор.

Навоийнинг илм ҳақидаги ҳунар ўрганишга оид, фикрлари, халқимиз орасида ҳикматли сўзлар каби кенг тарқалган. Шоирнинг «камоллик истасанг, қуёшлик хоҳласанг зўр қизиқиш билан касбингни пухта эгалла, кенг таважжуҳ билан илмингни орттир...»

Бировким қилса олимларга таъзим.
Қилур гўёки Пайғамбарга таъзим

каби фикрлари замирида илм ўрганиш эътиқодни мустаҳкамлайди, деган ирфоний тушунчалар ётади.

Алишер Навоий бутун ҳаёти ва ижодини она тили равнақи учун бахшида қилди. У замонларда «туркий тил» деб юритилган она тилининг сўз бойлиги, бадиий ижод учун ярокли эканлиги ҳақида махсус назарий асар («Муҳокамат ул-луғатайн») ёзди. Шарқ мумтоз адабиётининг ҳамма жанр ва турларида бетакрор асарлар яратди. Бу тилда биринчи «Хамса»ни, биринчи тазкира («Мажолис ун-нафоис»)ни ёзди. Мавжуд адабий анъаналарга янгиликлар киритди. Ўзбек ғиноий-лирик шеъриятини янги равнақ босқичига кўтарди. Халқ маданияти, маърифат ва маънавиятининг юксалишида тилнинг муҳим восита экани, тил башарият наслини ўтмиш ва замон билан боғловчи тимсол экани шоир ва арбоб Навоийнинг ҳамиша диққат марказида бўлди.

«Тилга ихтиёрсизлик — элга эътиборсизлик» деганида олам-олам маъно бор.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий тилимизни туб сўзлар эвазига бойитиб, янги сўзлар яратиб, аввал ишлатилган сўзларни янги маънолар билан тўлдирди, тил ва лаҳжалар ҳисобига сўз шакллари, маъно ва мазмун доирасини кенгайтирди. «Бу тилда ғариб алфоз ва адолар кўптур», деб фахрланган шоиримиз ана шу тилда яйраб, қусурсиз сўз юритиш ва бадиий ва илмий ижод қилиш масъулиятини назарда тутган, албатта.

Биҳамдиллоҳ, ул «гул» топиб рангу бў,
Бир оққан ариққа яна оқти сув.

Суйима ҒАНИЕВА

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

Тил — миллат кўзгуси.

✧✧✧

Яхши сўз қаймоқ — Ёмон сўз тўқмоқ.

✧✧✧

Тил — дил калити.

✧✧✧

Яхши сўз жон озиғи, Ёмон сўз бош қозиғи.

✧✧✧

Тилни билган — элни билар.

✧✧✧

Тилга ихтиёрсиз, Элга эътиборсиз.

✧✧✧

Тил билган — элда азиз.

— Бола қалбини англаш, уни кашф этиш фақат она тили орқалигина эришиладиган мўъжизадир, — дейди она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Барно Зокирова. — Мактаб ўқувчисига Ватан, Она, Садоқат сўзларини илк бора шу тилда сингдириш ёш авлодни эртанги кунга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Суратда: *пойтахтимиздаги 324-мактаб ўқитувчиси Барно Зокирова она тили дарсида.*

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

ТИЛИМИЗ ВА ЁЗУВИМИЗ

1989 йил 21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.

1993 йил 2 сентябрь — «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Мажлиснинг тегишли қарори қабул қилинди.

1995 йил 6 май — «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартишлар киритилди ва Олий Мажлиснинг тегишли қарори қабул қилинди.

1995 йил 24 август — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. (Янги алифбо тўғрисида)

1995 йил 21 декабрь — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

1996 йил 10 сентябрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

ТИЛ ТАҚДИРИ — ЭЛ ТАҚДИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тарихдан маълумки, бир миллатни мағлуб қилиш, йўқотиш учун энг аввало унинг тилига тажовуз қилинган. Чунки миллатнинг биринчи белгиси — унинг тилидир. Шўролар замонида биз ҳам бу камситишларни бошимиздан кечирдик. Адибларимиз, шоирларимиз томонидан гўзал асарлар ёзилиб, тилимиз бойлиги ҳар қанча кўрсатилмасин, ўзбек тили ҳеч бир мақомга, ҳуқуққа эга бўлмади, оила даврасида, рўзғорда фойдаланадиган тил даражасига тушиб қолди. Оқибатда ўзбек тилида, ўз она тилимизда гапиришдан ор қиладиганлар ҳам пайдо бўлди. Бу ниҳоятда ачинарли ҳол эди. Шу тариқа қадимий халқ, улуғ бир миллат куппа-кундузи, ҳеч бир сабабсиз ўз тилидан жудо бўла бошлади.

Мен ўша пайтда Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлардим. Ёзувчининг асосий қуроли бу унинг тили. Ана шу уюшманинг ўзидаги фирқа мажлислари ҳам бошқа тилда ўтказиларди. Бу ниҳоятда фожиавий манзара эди. Ана шундай шароитда тилимизни ҳимоя қилиб, расмий равишда уни миллат байроғига айлантирган одам ҳеч шубҳасиз, собиқ тузумнинг миллатчи тамғасини олиб, қувғин ва таъқибга учраши тайин гап эди. Шундай даврда, ана шундай оғир бир сиёсий вазиятда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг раҳбари бўлиб майдонга чиқди. У кишининг дастлабки ишларидан бири — тарихий адолатни тиклаш учун тилимизга давлат мақоми бериш масаласини ўртага қўйди. Бу воқеадан кейин ўша давр шўро мамлакатининг барча халқлари ниҳоятда ҳайратга тушишгани бугун бор ҳақиқат.

Албатта, биз бу кунга осонликча етиб келмадик. Давлат тили ҳақидаги қонун муҳокамага қўйилган чоғда зиёлилар, жумладан ёзувчилар орасида ҳам турли фикрларни дастак қилиб чиққанлар бўлди. Уларнинг бир қисми ўша давр сиёсатидан чўчийдиган тоифа бўлса, иккинчи қисми масаланинг моҳиятини тўғри тушунмаган, таҳлил қилолмаган одамлар эди. Ўша кезда давлат тили икки тилда бўлсин, деган таклифлар ҳам юзага чиқди. Лекин давлат тили битта бўлади. Мамлакатнинг Конституциясидан тортиб ҳар бир ҳужжати битта тайин тилда яратилади. Ва бу тил шу миллатнинг иродаси, кайфияти, билими, савияси, сиёсий ҳуқуқларини намойиш қилувчи ойна ҳисобланади.

Мана мустақиллигимизнинг 16 йиллигини нишонладик. Бугун янги авлод, янги қатлам пайдо бўлди. Энди она тилимизда гапириш ўз кундалик ҳаётимизга айланди. Мустақиллик фарзандларининг биринчи авлоди Ўзбекистон паспортини олди. Уларга ҳозир тилимиз камситилган эди, деган гапни айтсангиз кўпчилиги ишонмаслиги мумкин.

— Сиз ўз чиқишларингиздан бирида ўзбек тилининг обрўсини таъминлаш учун унга бўлган муносабатни ўзгартириш керак, деган фикрни айтгандингиз. Хўш, бугун бизда шу жараён қандай кечаяпти?

— Бугун ҳамма йиғин, мажлис, сиёсий-ижтимоий ҳаётимиздаги кундалик воқелик ўзбек тилида олиб борилади. Ҳатто бошқа давлатларда ҳам тилимизга ҳурмат ортганини яхши биламиз. Мен кўпгина хорижий мамлакатларда ёшлар ўзбек тилини ўрганишаётгани, мутахассислар тилимиз ҳақида диссертациялар ёзишаётганига гувоҳ бўлганман. Ҳозир ўзбек тили бутун дунёдаги тиллар қатори ўз ўрнига, обрў ва мақомига эга. Шу билан бирга бугун она тилимиз имкониятларини қай даражада намоён эта олаяпмиз, деган ҳақли савол ҳам борки, у ҳар биримизни ўйлантириши керак. Биз фарзандларимизни тилимиз бойликлари билан таъминлашимиз, тил хазинамизнинг нодир меросини сақлаб турган асарларни уларга кенгроқ ўргатишимиз лозим. Матбуот, радио-телевидение адабий тил софлигига кўпроқ эътибор қаратиши шарт, деб ўйлайман. Чунки тилимиз оҳанги, бор гўзаллигини болаларимиз қалбига сингдира олсак, тилимиз нуфузини яна да оширган бўламиз.

Мадомики, ўзбек тили миллатимизни кўрсатувчи куч экан, миллий тараққиётимизнинг кўзгуси экан, бу бебаҳо бойлигимизни асраш ҳамиша бурчимиз бўлиб қолаверади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.

ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 17 октябрь куни «Ипак йўли туризми» XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди

«Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари, олим ва экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманнинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳалар сингари сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланаётгани, Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноёб тарихий обидалари, бетакрор маданият ва анъаналари ҳамда ўзига хос гўзал табиати билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётгани қайд этилди. Бунда мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси йил сайин такомиллашиб, спорт, маданият, экология ва тарих билан боғлиқ туризм каби янги тармоқлар ривожланмоқда. Юртимизда янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, кўплаб замонавий меҳмонхоналар қурилгани, мавжуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилгани, янгилари барпо этилгани соҳа ривожига ижобий таъсир этмоқда.

«Ипак йўли туризми» XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан мақсад мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятини тўла юзага чиқариш, жаҳон жамоатчилигини юртимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш ҳамда хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Шу боис ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошмоқда. 2006 йилда анжуманда йиғилган мамлакатдан қарийб олтмиш сайёҳлик ташкилоти қатнашган бўлса, бу йилги ярмаркада Россия, Испания, Греция, Чехия, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби ўттизга яқин мамлакатдан қарийб саксон фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

— Ўзбекистоннинг «Буюк ипак йўлидаги дурдона» деб аталиши бежиз эмас, — дейди Индонезиянинг «Bali Partners Tours and Travel» компанияси вакили Руру Викаксоно. — Кўп асрлик тарих, бетакрор маданият ва анъаналарга эга мамлакатингиз жаҳон сайёҳлик бозорида тобора катта обрў қозонмоқда. Биз бир неча йиллардан буён Ўзбекистон билан фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

— Хорижлик сайёҳларнинг юртимизга, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларга қизиқиши тобора ошмоқда, - дейди «Bukhara Travel and Tourism» компанияси менежери Динара Исматуллаева. - Мамлакатимиздаги гўзал маданий ва тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар, бетакрор гўшалар, айниқса, пойтахтимизда жорий йилда қайтадан барпо этилган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилмоқда. Бизнинг компания сайёҳларнинг қизиқиш ва хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда турли сайёҳлик дастурларини ишлаб чиқади. Шиоримиз – сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш.

Икки кун давом этадиган ярмарка доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашилади ва жабҳада қатор лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов иштирок этди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири

Спорт

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТУРНИР

22-28 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини футбол бўйича анъанавий турнир ўтказилади

«Sport» ва «O'zbekiston futboli» газеталари соврини учун ўзбек футболи фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган мазкур мусобақа учинчи маротаба ташкил этилмоқда. Журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда футболнинг оммавийлигини оширишга хизмат қилувчи ушбу турнирга қизиқиш йилдан-йил ортиб бораётир.

2005 йили ўтган илк мусобақада телевидение, радио ҳамда даврий нашрларда фаолият кўрсатаётган журналистлардан иборат ўн тўрт жамоа майдонга тушганди. Иккинчи маротаба ўтказилган баҳсларда эса иштирокчилар сони ўн саккизтага етди.

Куни кеча мусобақа ташкилий қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Турнирда қатнашиши кутилаётган жамоалар вакиллари ҳам иштирок этган йиғинда мусобақа низоми қайта тасдиқланди. Шунингдек, унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

— Учинчи маротаба ўтказилаётган бу йилги баҳсларда йигирмадан ортиқ жамоа қатнашиши кутилмоқда, — дейди «Sport» ва «O'zbekiston futboli» газеталари бош муҳаррири Аслиддин Болиев. — Бу эса турнир нуфузи ортиб бораётгани, энг муҳими, ижодий жамоаларда жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш кучаяётганидан дарак беради.

Эркин ХОЛБОБО

Интер-спорт

ХОЛИФИЛД РЕВАНШ ЖАНГИ ЎТКАЗМОҚЧИ

Москвада профессионал боксчинг WBO йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида россиялик Султон Ибрагимов ҳамда Эвандер Холифилд (АҚШ) ўртасида чемпионлик камари учун жанг ўтказилганидан кўпчилик хабардор.

Учрашув арафасида боксчилар тарозидан ўтишди. Унда ўттиз икки ёшли Султон Ибрагимов 99,2 кг., қирқ тўрт ёшли Эвандер Холифилд эса 95,9 кг. тош босди. Боксчиларнинг ҳозиргача кўлга киритган кўрсаткичлари — Ибрагимовнинг амалдаги жаҳон чемпиони, Холифилднинг эса собиқ мутлақ жаҳон чемпиони эканлиги жангнинг қизиқарли ўтишидан дарак бераётганди.

Кутилганидек, ўн икки раундли учрашувни боксчилар ўта эҳтиёткорлик билан бошлашди. Фақат жангнинг ўрталарига келиб, Султон Ибрагимовнинг шиддатли зарбалари кўзга ташлана бошлади.

Америкалик боксчи эса фақат учрашувнинг сўнгги раундларига келиб, бироз фаоллашди. Бироқ унга аниқлик етишмади. Жанг давомида Султон Ибрагимовнинг кўпгина зарбаларини ўтказиб юборгани якунда барибир Холифилдга панд берди. Учрашув ниҳоясида барча ҳакамлар очколар ҳисобида россиялик боксчини ғолиб, деб эътироф этишди — 118-111, 117-111, 117-111.

— Гарчи, очколар ҳисобида енгилган бўлсам-да, Султон Ибрагимов билан ўтказилган жанг кейинги режаларимга аниқлик киритиб берди, — деди учрашувдан сўнг Эвандер Холифилд журналистларга берган интервьюсида. — Рақибимнинг чапақайлиги ва қисқа масофадан туриб аниқ зарба бериши унинг устунлиги, холос. Бу мағлубият мен учун етарли сабоқ бўлди. Ҳали профессионал рингни тарк этишни мўлжаллаётганим йўқ. Тез орада Султон Ибрагимов билан реванш жанги ўтказишни режалаштириб турибман. Бу эса рақибимнинг қандай қарорга келишига боғлиқ, албатта.

Мадинабону МИРЗАЖОНОВА

Газетанинг навбатдаги сони 23 октябрь, сешанба куни чиқади

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'daniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949

7860 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda